# ҚАЙТА ҚУРИШ ВА РАЙОН ГАЗЕТАСИ

## «Қишлоқ ҳақиқати» давра суҳбати

Ҳозирги кунда республикамизда 140 дан ортиқ район газетаси чоп этилмоқда. Улар ошкоралик минбари, қайта қуришнинг таъсирчан воситаси сифатида майдонга чиқмоқдалар. Бироқ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленумида таъкидланганидек, баъзи район газеталари фаолияти жўшқин ҳаётдан орқада қолмоқда. Мақолалар руҳи жамиятимиз, меҳнат коллективларида юз бераётган инқилобий ўзгаришларга мос келмаётир. Бунинг устига баъзи жойларда танқидни бўғиш ҳоллари содир бўлаяпти. Шу боисдан ҳаётга яқин турадиган бу матбуот органларига партиявий раҳбарлик савиясини кўтариш энг долзарб вазифалардандир.

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг давра суҳбатида ана шулар ҳақида қизғин гап борди. 30 нафар район газетаси редактори ўзини ўйлантираётган, тўлқинлантираётган масалалар, олға қараб боришга тўсқинлик қилаётган муаммолар хусусида очиқчасига фикр юритди, қимматли таклифларни ўртага ташлади.

### КУРАШ ОСОН БЎЛМАЙДИ

**С. ЗИЁЕВ,**

**Сурхондарё область Шеробод район «Янгиобод» газетасининг редактори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими**

⊙

Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида матбуотнинг қайта қуриш давридаги вазифаси, танқид қилиш масъулияти ҳақида алоҳида гап борди. Ҳозир журналист учун биринчи навбатда дадиллик, изчиллик зарур. Довюрак қаламкашни партиямиз, халқимиз қўллаб-қувватламоқда. Аммо бизга нисбатан тош отаётганлар ҳам йўқ эмас. Бундай шароитда ҳақиқатни, фақат ҳақиқатни ёзишимиз, ҳушёр, ўтюрак бўлмоғимиз керак.

«Жигули» автомашиналарига хизмат кўрсатувчи станция бошлиғи, коммунист Б. Бобоёров ўзига ортиқча баҳо бера бошлади. Унда калондимоғлик, манманлик пайдо бўлди. Ҳатто район марказий касалхонасида ётиб олиб, улфатлари билан базми жамшид қурди. Охир-оқибат врачлар бу эркатой «бемор»ни шифохонадан чиқариб юборишга мажбур бўлдилар.

Кўп ўтмай газетамизда жамоатчи мухбир С. Очиловнинг «Бобоёров нега касалхонадан ҳайдалди?» сарлавҳали мақоласи босилиб чиқди. Унда коммунист-раҳбарнинг бачкана қилиқлари, маънавий қиёфаси дангал очиб ташланди. Ажабланарлиси шуки, айбдор қолиб, мақола муаллифи идорама-идора сарсон қилинди. Ёш қаламкашни яккалаб қўймадик. Бутун коллективимиз ҳақиқат учун қаттиқ курашди. Афсус, район партия комитети ўз матбуот органини қўллаб-қувватлаш ўрнига сийқа усулни қўллади: умумий бўлим мудири (собиқ) Ш. Ягафаров иштирокида ўтказилган партия йиғилишида Б. Бобоёровга ҳайфсан эълон қилиш билан чекланилди.

Бўш келмадик. Газетада «Бобоёров нега ҳимоя қилинди?» сарлавҳаси остида яна мақола босдик. Аммо на райком, на райижроком бунга эътибор қилди. Область газетасига мурожаат этишга мажбур бўлдик. Тажрибали журналистлар, мутахассислар ҳар бир фактни синчиклаб ўргандилар. Шундан сўнг «Ленин байроғи»да босилган мақолада район газетасининг йўли, позицияси тўла қўллаб-қувватланди. Дадил чиқиш райком бюро мажлисида муҳокама қилиниб, Б. Бобоёров вазифасидан олиб ташланди.

Яна бир мисол. Райондаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозида иш юришмаяпти. Ўзибўларчилик, сансалорлик, масъулиятсизлик оқибатида сабзавот, мева, картошка етиштириш юзасидан белгиланган планлар кўнгилдагидек бажарилмаяпти. Айрим раҳбар ва мутахассислар, хусусан, директор Ж. Эштўраев ўз фаолиятини янгича талаблар асосида қайта қура олмаяпти. Бунинг устига матбуотнинг танқидий чиқишларига жавоб бермайди. Қаламкашларга нисбатан паст назар билан қарайди. Жамоатчи мухбир Р. Қултўраевни газетада дадил чиқиш қилганлиги учун партком секретари, касаба союз комитети раисининг кўз олдида ҳақорат қилиб, ёқасидан олганча кабинетидан ҳайдаб чиқарди.

Район партия комитетига шу ҳақда хабар бердик. Лекин директор қилмишига яраша жазоланмади.

Ҳаётимизни тубдан қайта қуриш ҳозирги кунда биз учун энг муҳим мавзу бўлиб қолди. КПСС XXVII съездидан сўнг турмушимизнинг барча қирраларини чуқур ёритиш, ўқувчилар қалбига янада яқинроқ кириб бориш мақсадида янги рубрикалар очдик. Бу соҳада бизга юзга яқин ишчи-қишлоқ мухбирлари яқиндан ёрдам беришаяпти.

Ишимизда қатор камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар йўқ эмас. Баъзида ходимларда билим, маҳорат, масъулият етишмаяпти. Сийқа, ҳиссиз ёзилган жумлалар ҳамон учрайди. Газетанинг техник безаги ҳам яхши эмас. Шерободда районлараро босмахона қурилиб ишга туширилди. Лекин негадир бу ерда цинкография йўқ. Сурат тайёрлатиш учун 80 километр йўл босиб, область марказига боришга мажбур бўлаяпмиз.

Ижодий коллективимиз қайта қуришга тўсиқ бўлаётган муаммоларни дадил кўтариб чиқишга ҳаракат қилаяпти. Аммо бу йўлда турли қийинчиликларга дуч келаяпмиз. Бу кутилган ҳол. М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетида оммавий ахборот воситалари, идеология муассасалари ва ижодий союзларнинг раҳбарлари билан учрашувда сўзлаган нутқида таъкидлаганидек: «Белгиланган режаларни амалга ошириш... катта, бениҳоя қийин ва кенг миқёсли жараёндир».

### БОСМАХОНАДА ТАРТИБ ЎРНАТИЛАРМИКАН?

**О. ХУДОЙБЕРГАНОВ,**

**Тўрткўл район «Коммунизм ғалабаси» газетасининг редактори, Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган маданият ходими**

⊙

Ёниб, жўшиб ишлайдиган ажойиб даврда яшаяпмиз. Ҳамма жойда дадил одимлаётган қайта қуриш кенг имкониятлар яратди. Янгиланиш муваффақияти инсон омилига боғлиқ. М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетидаги учрашувда таъкидлаганидек, ҳозирги вақт шундайки, партия органлари, раҳбар кадрлар, ҳамма, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари ҳам аниқ позицияда туришлари керак.

Журналистнинг вазифаси севимли газетасини сифатли ва саводли қилиб чиқариш, омма интилишларини, эзгу ниятини, қийинчиликларини тўлақонли акс эттирган мақолалар тайёрлашдан иборат.

Бошламасигаёқ айта қолай: ишимиздан кўнглим тўлмаяпти. Баъзида эрта билан «Коммунизм ғалабаси»нинг навбатдаги сонига кўз югуртираман-у хафа бўлиб кетаман. Сабаби: саҳифалар, суратлар хира, айрим сарлавҳалар икки хил ҳарфда терилган. Бундай газетани ким ҳам қизиқиб қўлига оларди. Босмахонага киришга юрагим безиллайди. Линотипчи О. Рўзимбетова, саҳифаловчиларнинг ҳасратидан чанг чиқади. Негаки, ишлаш учун энг оддий шароит йўқ. Офсет машинаси, ҳаво тозалагич ускуналар икки йилдан буён бузуқ. Бу ерда ёз жазирамасида қўрғошин ютиб ишлаш қанчалик мушкул эканлигини бир тасаввур этинг. Баъзида арзимаган эҳтиёт қисм етишмай, машиналар соатлаб тўхтаб қолади. Натижада газета ўқувчилари қўлига кеч етиб боради. Яна бир муаммо бизни жуда қийнаяпти. Сурат тайёрлатиш учун 180 километр йўл босиб Нукусга қатнаяпмиз.

Босмахона директори С. Туримбетовнинг эса парвойи палак. У ташвишли ҳолни бартараф этиш, қанчадан-қанча маблағ сарфлаб келтирилган машиналарни унум билан ишлатишга эришиш ўрнига қўйнимизни пуч ёнғоққа тўлғазиб юрибди. Босмахонага нуфузли комиссия келиб, шароит билан яқиндан танишди. Директор камчиликлар, барчани тўлқинлантираётган муаммоларни ўртага қўйиш ўрнига: «Ишнинг кетиши ёмон эмас, кўпчилик талабини қондириш учун барча чораларни кўраяпмиз», — деди. Ахир, ёлғон гапиришдан кимга фойда, кимга зиён?

Буларнинг ҳаммаси область нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси бошқармасига маълум. Аммо у ердаги раҳбар ўртоқларнинг сўздан амалий ишга ўтишлари қийин бўлаяпти. Улар фаолиятида қайта қуриш қачон бошланаркин?

### ОРҚАГА ҚАЙТИШ ЙЎҚ

**Н. САФАРОВ,**

**Бухоро область Ғиждувон район «Колхоз ҳақиқати» газетасининг редактори**

⊙

Қайта қуриш, ошкоралик газетачидан экономика ва социал ҳаёт масалаларидан чуқур хабардорликни, ғоявий пухталик, юксак маҳоратни талаб қилмоқда. Ижобий жиҳатларни кенг ёритиш билан бирга дадил чиқишларни сусайтирмаслигимиз даркор. Аммо танқид инсоннинг қадр-қимматини камситиш учун хизмат қилмаслиги керак.

Ижодий коллективимиз яқин ўтмишда томир отган ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик, порахўрлик, амалпарастлик, шахсиятпарастлик каби иллатларга барҳам бериш учун бошланган курашда фаол иштирок этмоқда. Жорий йилнинг ўтган ойлари ичида «Колхоз ҳақиқати» саҳифаларида ўн икки фельетон, юздан ошиқ танқидий мақолалар эълон қилинди. М. Маҳмудовнинг «Оқибатсиз кишилар», Д. Баҳромовнинг «Қурби йўқ ваъдалар», «Лоқайдлик», А. Абдуллаевнинг «Харидор ҳақига хиёнат», М. Абдуллаевнинг «Паловхўр мураббийлар», С. Ўриновнинг «Она нажот излайди» сарлавҳали мақолалари газетхонларда катта қизиқиш уйғотди.

Омма билан алоқа мустаҳкамланмоқда. Агар 1986 йилда редакция бош мухбирларимиздан 1.069 та хат олган бўлса, жорий йилнинг ўн ойида бу кўрсаткич 2 мингдан ошди. Камчиликларимизни яхши биламиз: йиллар мобайнида шаклланиб келган сийқа услубдан ҳанузгача қутула олмаяпмиз. Баъзи ўринларда касб маҳорати, изчиллик етишмаяпти. Шу боисдан ўқиб-ўрганаяпмиз, изланаяпмиз, мақолалар тили устида ишлаяпмиз.

Давра суҳбати иштирокчилари тўғри таъкидлашаяпти: баъзида мушкул вазиятларга дуч келаяпмиз. Соғлом танқиднинг аҳамиятини тушунмаган, сиркаси сув кўтармайдиган баъзи кимсалар билан росмана жанг қилмоқдамиз. Гоҳида бошимизга таъна тошлари ёғилаяпти, бўҳтон уюштираётганлар ҳам йўқ эмас. Район партия комитети ҳамиша бизни қўллаб-қувватламоқда.

Газетада СССР 50 йиллиги номли мактабда таълим-тарбия ишлари бўшаштириб юборилганлиги аниқ далиллар орқали очиб берилди. Эртасига илм маскани директори важоҳат билан редакцияга келиб норозилик билдирди. Ётиғи билан тушунтиришга ҳаракат қилдик. Бўлмади. Юқори ташкилотларга кетма-кет шикоят хатлари ёзилди. Нуфузли комиссия текшириш ўтказганида мақолада келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Оқибат натижада мактаб директори М. Аллаева вазифасидан бўшатилди.

«Жилвон» совхози давлатга сут топширишни кескин оширишга эришди. Бу газета агросаноат бўлимининг мудири З. Саъдиев эътиборини тортди. У фермага бориб, чорвадорлар иши билан яқиндан танишди. Маълум бўлишича сигирлар сонини кўпайтириш ҳисобига «юқори» кўрсаткичга эришилаётган экан. «Директор нега қизарди?» деб номланган мақолада «илғор тажриба» сирлари очиб ташланди. Танқидга чидай олмаган совхоз директори узоқ вақт устимиздан арз қилиб юрди. Аммо ўзи уялиб қолди.

Биз ҳақ эканлигимизни билардик. Лекин ҳар бир тўқнашувда, ўринсиз тортишувларда асабларимиз бузилаяпти, қимматли вақт зое кетаяпти. Якдил фикр шундай: кўпчилик одамлар биз — журналистларни қайта қуриш ҳимоячилари деб билишади.

### ЯХШИ МАҚОЛА ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ

**Ш. ҲАЙТОХУНОВ,**

**Андижон область Жалолқудуқ район «Олға» газетасининг редактори**

⊙

Столим устида ходимлар тайёрлаган мақолалар. Уларнинг айримларини зўр қизиқиш, иштиёқ билан ўқиб таҳрир қиламан. Очиғи, айримларини қўлимга олгим келмайди. Негаки, бир қолипда ёзилган, такрор жумлалар, ғиж-ғиж рақамлар... Нега мухбир даставвал эътиборни механизатор, теримчининг кунлик иш натижаси, мажбурияти, мусобақада ким ғолиб чиққанлигига қаратади-ю одамлар дарди, орзу-интилишлари, яшаш шароити, шийпонлардаги аҳвол, моддий манфаатдорлик масалалари назардан четда қолади. Жавоби тайин: баъзида сабр-тоқат, масъулият, касбга садоқат етишмаяпти. Бунинг устига гоҳида қош қўяман деб кўз чиқарамиз.

Яқинда ёрқишлоқлик бир аёлдан хат олдим. Унда шундай сатрлар бор: «Ҳурматли редактор! Мухбирингиз А. Раҳмонова «Уч мактуб изидан» сарлавҳали мақоласида оилавий масалаларга, шахсий муносабатларга енгил-елпи ёндашиб, эр-хотин ўртасига адоват солди. Мақола муаллифи билан юзма-юз қилсангиз».

> БИЗ ПАРТИЯ МАТБУОТИНИНГ ЯНГИ СИФАТИГА, УНИНГ СИЁСИЙ БИЛИМ БЕРИШ ВА ТАШКИЛОТЧИЛИК РОЛИ ЯНГИ СИФАТИГА ЭРИШМОҒИМИЗ КЕРАК. ҲОЗИР МАТБУОТИМИЗ ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАГИ ҲАРАКАТГА ХАЛАҚИТ БЕРАЁТГАН ҲАММА ИЛЛАТЛАРНИ ТАНҚИД ҚИЛИШ РУҲИНИ ПАСАЙТИРМАЙ, ЖАРАЁНЛАРГА ЧУҚУР КИРИБ БОРИШИ, ТУРМУШИМИЗНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИДА ЯНГИ ЖАМИЯТ ҚАРОР ТОПИШИНИНГ МУРАККАБ ДИАЛЕКТИКАСИНИ, ЗИДДИЯТЛИЛИГИНИ ТАҲЛИЛ ЭТИШИ КЕРАК. БУНИНГ УЧУН ЭСА КЎП БИЛИМ ҲАМ, КЎП ОМИЛКОРЛИК ҲАМ, КЎП АМАЛИЙ ИШ ВА МАСЪУЛИЯТ ҲАМ КЕРАК БЎЛАДИ.
>
> (Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси материалларидан).

Уч ойлик машмашадан кейин ходимимизнинг ўзи зарба еди. Бизга катта ҳуқуқ берилган. Аммо масъулиятимиз ундан ҳам улкан. Бир нарсага қатъий ишонч ҳосил қилдим: маҳорат билан ёзилган ҳар қандай мақола эътиборсиз қолмайди. Бир мисол. Шу йилнинг январь ойида газетада журналист Ў. Фозиловнинг «Олдинги шуҳрат қани?» сарлавҳали мақоласи босилди. Муаллиф Димитров номли колхоз қолоқлар сафига тушиб қолганлигининг туб сабаблари, хўжаликни бошқаришдаги нўноқликлар, инсон омилига, социал масалаларга эътиборсизлик оқибатларини аниқ, таъсирчан мисоллар орқали кўрсатиб берди. Бу кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Сувчилар, механизаторлар, боғбону соҳибкорлардан кўплаб хатлар олдик. Район партия комитети мазкур мақолани маъқуллади.

Редакция қолоқ совхозни оталиққа олди. Бу ерда қайта қуриш қандай амалга оширилаётганлиги, одамлар психологиясидаги ўзгаришлар, тажриба ва ташаббуслар кенг ёритиб борилди. Ҳаракат зое кетмади. Хўжалик экономикаси мустаҳкамланмоқда. Оилавий, бригада пудрати кенг жорий этилмоқда. Бошқа соҳалар қатори чорвачилик изчил ривожланаяпти.

Редакция почтаси кун сайин бойиб бораяпти. Газетхонлар меҳнат коллективларида эришилаётган дастлабки муваффақиятлар, муаммолар, нуқсонлар ҳамда уларни ҳал этиш хусусидаги таклиф ва мулоҳазаларни ёзиб юбормоқдалар. Биз бу хатлардан кенгроқ фойдаланиш мақсадида «Қайта қуриш: изчил демократия учун», «Ошкораликни ўрганамиз», «Қайта қуриш: изланиш ва муаммолар» каби рубрикалар очдик.

Мамлакатимизда йиллар мобайнида миллий масала узил-кесил ҳал бўлган деб келинарди. Болтиқбўйи, Тоғли Қорабоғдаги воқеалар бу борада ечилмаган муаммолар борлигини яққол кўрсатди. Ижодий коллективимиз миллий муносабатларни мустаҳкамлаш, ўзаро қардошлигимиз буюклигини ҳаққоний акс эттиришга ҳаракат қилаяпти.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Ҳар йили жуда кўп ижодкорлар районимизда командировкада бўладилар. Аммо улар негадир редакциямизга келиб, биздан ҳол-аҳвол сўрашга вақт топиша олмайди. Фикримизча, область, республика газеталари журналистлари билан жонли мулоқот ҳар икки томон учун ғоят фойдалидир.

### МАТБУОТНИНГ КУЧИ — ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИДА

**Э. ЭРМАТОВ,**

**Хоразм область Қўшкўпир район «Мўл ҳосил учун» газетасининг редактори**

⊙

Турғунлик йиллари мақола ёзиш мақсадида хўжаликларга борганимда колхоз раиси ёки совхоз директорининг «Вақтим йўқ, кейинроқ келарсиз» деган сўзларини тез-тез эшитардим. Яширмайман, қадримга ачинган кезларим кўп бўлган. Ҳа, ўша пайтда амалдорнинг айтгани айтган, дегани деган эди. Ҳозир шулар ҳақида ўйласам, ўзимни ноқулай ҳис қиламан. Негаки, биз — ижодкорлар ҳам камчиликларни кўра била туриб, бонг урмадик. Баъзида журъат етишмади. Лоқайдлик, келишувчанлик, кўнгли бўшлик қимматга тушди. Районда кўзбўямачилик, ошна-оғайнигарчилик, порахўрлик каби ярамас иллатлар чуқур илдиз отди. Қайта қуриш ҳамма нарсани жой-жойига қўйди. Шахсий бойлик орттиришга ружу қилган, халқни, давлатни алдаган нопок кимсалар эл-юрт ўртасида шармандаю шармисор бўлдилар. Деярли барча колхозларнинг раислари, айрим мутахассислари жиноий жавобгарликка тортилишди.

Матбуотга бўлган муносабат ўзгарди. Енг шимариб ишга киришдик. Долзарб мавзуларда дадил чиқишлар қилиб, меҳнат коллективларида соғлом, ижодий ва талабчанлик муҳитини мустаҳкам қарор топтириш асосий мақсадга айланди. Район партия комитети бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Редакция янги бинога кўчиб ўтди. Унумли ишлашимиз учун барча шароит муҳайё этилди. Авваллари редакторнинг кўп вақти йиғилишларда ўтарди. Қаламкашлар дала ишларига жалб этиларди. Буларнинг ҳаммасига барҳам берилди. Газета ўзининг коллектив агитатор, коллектив пропагандист, коллектив ташкилотчилик ролини тўлароқ намоён эта бошлади.

Танқидга ёпишиб олганимиз йўқ. Қайта қуришда эришилаётган дастлабки муваффақиятлар кенг ёритилаяпти. Хўжаликларда бригада, оилавий пудратни жорий этишнинг ўзига хос тажриба мактаби яратилди. Буларнинг ҳаммасида газетачиларнинг ҳам камтарона ҳиссаси бор.

Матбуот сўзининг таъсирчанлиги тобора ортиб бормоқда. Яқинда район партия комитети Островский номли ўрта мактаб директори Б. Алиевнинг интернационализм мавзуига бағишланган мақоласини маъқуллади. Лекин редактор сифатида мени бир нарса ташвишлантираяпти. Савдо, медицина, маориф соҳаларида қайта қуриш сезилмаяпти. Бу одамларни ҳақли равишда ташвишлантирмоқда. Шубҳасиз, камчиликларни бартараф этиш юзасидан бошланган курашда фаол иштирок этаяпмиз. Лекин дадил чиқишлар қилишда жиддий тўсиқларга дуч келаяпмиз. Баъзида ҳомийларнинг ҳаракати туфайли отилган ўқ нишонга тегмаяпти...

### ЖУРНАЛИСТ МАҲОРАТИ

**Н. ЗАЙНИЕВ,**

**Самарқанд район «Шарқ тонги» газетасининг редактори**

⊙

Оммавий ахборот воситалари ижтимоий фикрнинг қудратли минбари бўлиб майдонга чиқмоқда. Улар тарихий ҳақиқат ва адолатни қайта тиклаш, камчилик ва нуқсонларни очиб ташлаш, қайта қуриш тажрибасини оммалаштириш, одамларда янгичасига фикрлаш, фаол бўлиш кўникмасини ҳосил этиш учун кўп иш қилаяпти. Бу ҳақда Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида ҳам гапирилди.

Редакторлик фаолиятимга росмана йигирма олти йил бўлди. Жўшқин, ҳаяжонли дамларни бошдан кечирдим. Лаёқатли шогирдлар тайёрладим. Уларнинг кўпчилиги область, республика матбуот органларида фаолият юритмоқдалар. Дилдаги гап шу: газетачи ҳеч қачон ҳозиргидек эмин-эркин ишламаган. Яқин ўтмишда қанчалик куйиб-пишмайлик, пировард натижадан кўнглимиз тўлмасди. Чунки мавзуга чуқур кириб борилмас, долзарб масалалар четлаб ўтиларди. Кимлардир танқиддан холи эди. Кўпчилик ўз фаолиятларидан қаноат ҳосил қилмаётганликларини таъкидлашарди.

Партия олдимизга ғоят масъулиятли вазифаларни қўйди. Фикримча, матбуотнинг омма орасидаги обрўсини янада ошириш учун аввало ҳафсала, синчковлик етишмаслиги оқибатида юзага келадиган хом-хатала материаллардан қутулиш керак. Айрим раҳбар ва мутахассисларнинг газета мақолаларига менсимай қарашлари ҳам мақсадга эришиш йўлида тўғаноқ бўлаяпти. Аммо ранжиб юрмасдан қатъий курашмоқ лозим. Зеро, қайта қуриш кўзгуси ҳароратли сўз билан мунаввардир. Сабоқлардан тегишли хулоса чиқариб айтаяпман бу гапларни.

Айни кунларда масъулиятли дамларни бошдан кечираяпмиз. Республика газетасида кейинги йилларда Самарқанд районида ғоявий-сиёсий, тарбиявий ишлар бўшаштириб юборилганлиги, «Шарқ тонги» саҳифаларида принципиал чиқишлар камайганлиги, борлари ҳам эътибордан четда қолаётганлиги танқид қилинди. Партия йиғилишида ҳар бир бўлим, ходим иши танқид, ўз ўзини танқид руҳида назардан ўтказилди. Таъсирчан тадбирлар белгиланди. Райком ўз матбуот органига партиявий раҳбарликни кучайтирди. Натижада газета тиражи 13 минг нусхадан ошди, республикада биринчилардан бўлиб фото наборда ишлашга ўтдик. Айни пайтда «Идеология ва ҳаёт», «Партия турмуши: қайта қуриш жабҳаларида», «Коммунист ва ишлаб чиқариш», «Инсон омилига эътибор» рубрикалари остида мунтазам мақолалар бериб борилаяпти.

«Шарқ тонги»нинг шу йил 6 август сонида «Мақтанганнинг уйига бор» деб номланган мақола босилди. Унда Куйбишев номли колхозда клуб ва спорт иншоотлари ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, меҳнаткашларнинг унумли ишлаб, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун шароит яратилмаганлиги танқид қилинди. Хўжалик раҳбарлари редакцияга телефон қилиб, камчиликларни рўй-рост кўрсатиб берганлигимиз учун раҳмат айтишди. Мақола колхозчиларнинг умумий йиғилишида кўриб чиқилди. Шундан сўнг бу ерда физкультура ва спорт ишларига, маданий-маиший тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор берила бошлади.

Буларнинг ҳаммаси қайта қуриш, ошкоралик шарофатидан. Фаолиятимизни янгича талаблар асосида назардан ўтказсак, ҳали ҳам баъзи ўринларда изчиллик, билимдонлик етишмаётганлиги яққол кўринади. Аммо руҳимиз тетик, эртанги кунга комил ишонч билан боқаяпмиз. Кайфият, ҳамжиҳатлик бор жойда албатта мақсадга эришилади.

### ТАНҚИД ҚИЛИШ МАСЪУЛИЯТИ

**И. ҲИКМАТОВ,**

**Қашқадарё область Нишон район «Меҳнат байроғи» газетасининг редактори**

⊙

Турғунлик йилларида Қашқадарё областида салбий ҳолатлар қанчалик чуқур илдиз отганлиги ҳаммага маълум. Ўша кезлари жуда қийналиб ишладик. Яширмайман, газетамизда бирон танқидий мақола эълон қилинса, анчагача юрак ҳовучлаб юрардим. Ходимлар ҳам ишга келишлари билан: «Тинчликми?» — дея бир-бирларидан вазиятни сўрашарди. Чунки танқид учун таъқиб қилиш одат тусига кирганди-да.

«Туркманистон» совхозининг собиқ директори Т. Ашурова ҳақиқатни ёзганлиги учун жамоатчи мухбир З. Самадовани қаттиқ исканжага олди. Савдо ходимлари туҳмат уюштириб, газета бўлим мудири Ж. Яхшибоевни порахўрликда айбладилар. У икки йил азоб чекди: соғлиғи кетди, асаблари қақшади. Бироқ ҳақиқат қарор топди, журналист оқланди.

Газетанинг навбатдаги сонига қўл қўярканман, ўзимни айбдордек ҳис этардим. Негаки, саҳифалар зўрма-зўраки тўлдирилар, одамларга маъқул бўладиган, уларни ўйлантирадиган, руҳлантирадиган мақолалар йўқ эди ҳисоб. Давра суҳбати иштирокчилари мамнуният билан таъкидлашларича бор: қайта қуриш журналист қадрини оширди, ижод учун бекиёс имкониятлар яратди. «Меҳнат байроғи»да танқид кўпайди ва кучайди. Район партия комитети матбуот органининг обрўсини кўтариш, дадил чиқишлар таъсирчанлигини кучайтиришга қаратилган аниқ тадбирлар белгилади. Қаламкашга паст назар билан қараётган, редакцияга вақтида жавоб йўлламаётган «Самарқанд» совхози директори Н. Холиқов, партком секретари Б. Норов, РАПО раиси Т. Намозов, район маданият бўлимининг мудири Ш. Шерматов фаолиятига муносиб баҳо берилди. Афсуски қайта қуришни оғиздагина ёқлаётган Чўли Бегимқулов номли совхоз директори С. Тоҳиров, 132-автобаза директори О. Халилов ва бошқалар бизга ҳамон аччиқ қилиб юришибди...

Ижодий изланиш, ташкилотчилик туфайли газета мазмунан бойиб, мундарижаси кенгаймоқда. Ҳозирги кунда 110 нафар жамоатчи мухбир бизга яқиндан кўмаклашаяпти. Ўқитувчи Х. Назаров, ишчи Г. Рўзиева, механизатор Б. Жабборовнинг «Очиқчасига гаплашайлик», «Муросасизлар сигнали», «Ошкоралик ойнаси» рубрикалари остида босилган мақолалари қишлоқ кишилари ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Шундай бўлса-да, биз танқид қилиш масъулиятини унутмаслигимиз керак.

«Матбуот, гарчи ҳали доимо бўлмаса ҳам, ўзгаришларни англаб олишда одамларга ёрдам бермоқда, хўжалик ҳисобини, ижара пудратини тушунтирмоқда, тарғиб қилмоқда, — деб таъкидлади М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетидаги учрашувда сўзлаган нутқида. — Бу — яхши, аммо у нотўғри ёндашувлардан, чўчитувчи ҳодисаларни йиғиб юришдан қатъиян халос бўлиши керак. Бундай ҳодисаларни консерватор ва зўраки тараққийпарвар қарсак чалиб кутиб олади».

**Давра суҳбатини «Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири М. ҚАЮМОВ олиб борди.**



СУРАТДА: давра суҳбати иштирокчиларидан бир гуруҳи. Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотоси.

